

ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛАР МУЛОҚОТИ
ИНСТИТУЛШУВИНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ
(ФАРБ ДАВЛАТЛАРИ МИСОЛИДА)

*Абдуқодир Отабоев,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация

Ушбу мақолада давлат ва фуқаролар муроқоти институционаллашуви бўйича ғарб давлатларининг тарихий ривожланиш йўллари қисман ёритиб берилган.

Калит сўзлар: давлат, жамият, институционаллашув, демократлаштириш, ҳокимиятлар бўлиниши, легитимлик, давлат ҳокимияти, сиёсий институтлар, сиёсий партиялар.

Аннотация

В этой статье частично объясняются исторические пути развития западных стран в отношении институционализации диалога между государством и гражданином.

Ключевые слова: государство, общество, институционализация, демократизация, разделение властей, легитимность, государственная власть, политические институты, политические партии.

Abstract

In this article, the historical development paths of western countries regarding the institutionalization of state-citizen dialogue are partially explained.

Key words: state, society, institutionalization, democratization, separation of powers, legitimacy, state power, political institutions, political parties.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барқарор тараққиёт босқичига ўтиб, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиши амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси билан белгиланади. Бу эса ўз навбатида давлат ва жамият қурилиши, унинг ҳокимият органлари, қолаверса институционал моделлари шаклланиш тизимининг такомиллашганлиги билан боғлиқ. Табиийки, бунда “Давлат ўз ваколатини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширади” [1]. Шунингдек, бу ерда олий сиёсий раҳбариятнинг узоқни қўра билиши, жаҳон андозалари ва миллий давлатчилигимизга хос ва мос бўлган сиёсий институтлар, уларнинг тўлақонли фаолиятини таъминлашни ташкил қилишида намоён бўлмоқда.

Ушбу жараённинг тарихий асосларига эътибор қаратадиган бўлсак, XVI асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан Европани қамраб олган дастлабки демократлашув жараёнлари ижтимоий-сиёсий воқеликнинг кескин ўзгаришига, жумладан, институтлар ва ташкилотларнинг юзага келишига туртки бўлди. Француз олими Ж.Бешлер ўз пайтида бу феноменга “дунёга янгича шакл берилди” [2], деган эди.

Ўша замонлардан эътиборан ривожланган мамлакатларда сиёсий институтларнинг моделлари ва шаклланиш тизимининг тарихи асосан фуқароларнинг эркин уюшмаларини йўлга қўйган ноҳукумат, горизонтал ижтимоий алоқаларнинг ривожланиши, хусусан, марказлашган давлат такомиллашуви жараёнлари билан бирга кечганини кузатиш мумкин. Бироқ давлат нафақат фуқароларнинг ташкил топган уюшмалари билан ҳисоблашишга, балки ўзининг аҳоли билан муносабатларини тартибга солишга, ўз ҳокимият тузилмаларини жиддий қайта қуришга ҳамда уларни назорат қилишга мажбур бўлади. Тараққиёт тажрибасига қўра, фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги объектив келишмовчиликлар барча мамлакатларда ҳам конституциявий-хуқуқий принципларга амал қилиш йўли билан ҳал қилингани йўқ. Айрим ҳолларда у, бир томондан, ҳалқ вакиллик органи бўлган парламент билан ва бошқа томондан эса, қирол ҳокимияти ўртасида сиёсий мавқе ва ҳокимият ваколатлари ҳажми юзасидан очиқ-ойдин тўқнашувларга ҳам сабаб бўлди.

Баъзан чинакам фуқаролар урушига айланган бундай тўқнашувлар жуда кўп одамларнинг ёстигини қуритди. Бу курашни жамиятда сиёсий ҳокимиятни оқилона тақсимлаш имконини берувчи барқарор ва мўътадил бошқарувни таъминлашнинг муайян сиёсий-ташкилий шаклларини топиши йўлидаги изланишлар инъикоси эди, десак тўғри бўлади. Шуни таъкидлаш лозимки, давлат ва жамият – ҳар иккаласининг хуқуқий меъёрларга бўйсуниши, ҳокимият тақсимланиши принципини жорий этишдан бошланади. Бу конституционализмнинг ягона тизимини ташкил этади. Бироқ давлат ва жамият институтларининг ўзаро нисбати, фуқаролар ҳаётига давлатнинг аралашуви чегаралари сиёсий феномен тарзида турли мамлакатларда муайян тарихий шаклларга эгалиги сақланиб қолаверди.

Шу муносабат билан баъзи бир тарихий воқеаларни эсда сақлаш фойдадан холи эмаски, ушбу жараён ҳамма пайтда бир хил келмаслигига ишончимизни янада орттиради. Мисол учун, давлат ва жамият муносабатларининг шакли сифатида конституционализм модели демократияларда эркинликка бош қадрият деб қаралади, жамият ҳаётига давлатнинг аралашувига йўл қўйилмасликка интилиниади, яъни давлатнинг вазифаларини деярлик фуқароларнинг ўзи белгилайди. Уларнинг асосий қонунларида давлат ҳокимияти ҳалқ манфаатларидан чиқиб иш кўриши

лозим, агар у тескари сиёсат тутса, халқ қаршилик кўрсатиши ва ўзининг бевосита мажбуриятларини, аввало бутун халқ равнақи ҳақида ғамхўрлик қилиш мажбуриятини бажармаётган ҳукуматни ағдариб ташлаш ҳукуқига эгалиги рўй-рост белгилаб қўйилган. Аммо бу умумий қоида, табиийки у амалиётда бошқача қўриниш касб этиши мумкин.

Жумладан, АҚШда кейинчалик иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишдан фойдаланилганини кўрсатди. Давлатнинг тартибга солувчи таъсир ғояси АҚШнинг айниқса Демократик партиядан сайланган 32-президенти (1933 йилдан) Франклин Делано Рузвельт (1882-1945)нинг “янги сиёсати”да ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Ҳокимиятларнинг бўлиниш принципи барча даврларда Америка Қўшма Штатларининг конституцияларини ислоҳ қилиш воситаси сифатида ҳокимиятнинг учала тармоғини ўзаро тенглаштириб келди. Қолаверса, АҚШ конституциясига одатда жамият суверенитети ҳақидаги бандлар ҳам киритилган. Масалан, 1776 йилги Виржиния штати ҳукуқлари декларациясида: “Бутун ҳокимият халқقا тегишли ва халқдан олинади, бошқарувчилар халқ вакиллари ва хизматкорлари ҳисобланади ва ҳар доим унинг олдида жавобгардирлар” [3], деган сўзлар бор.

Ҳокимият халқقا тегишли эканлиги ва бошқарувчилар халқ хизматини бажаришини эълон қилгач, Америкада ислоҳотчилар учун ижро ва суд ҳокимиятлари ваколатларини кучайтириш учун асос, қонунчилик ҳокимияти устидан назорат ўрнатишнинг энг яхши усули сифатида ҳокимиятнинг бўлиниши принципини амалда қўллаш осонлашди. АҚШ федерал Конституциясининг муаллифлари 1787 йилнинг ёзида ишлаш учун йиғилган пайтдан эътиборан ҳокимиятнинг бўлиниши принципи Америка конституционализмининг белгилари қаторидан мустаҳкам ўрин олди. Тарихдан маълумки, фуқаролик жамияти факат жамият ҳукуқий ва сиёсий онги ёки ундаги ахлоқий мухитнинг ўзгариши натижаси сифатида вужудга келмайди. Унинг ривожланишига XIX асрда Европа халқлари орасида тантана қилган буюк ижтимоий ҳаракат ва тартиб имконият яратдики, у тўрт асосий жиҳат билан тавсифланади:

1) индивид табақавий чекловлар ва давлат чекловларидан халос бўлди, шахс эркинлиги, яъни ўз мустақил фаолиятида, айниқса иқтисод ва маданиятда ўз тақдирини ўзи белгилаш сари юксалиш юз берди;

2) ижтимоий-иқтисодий ҳамда ижодий жараён ўзини ўзи тартибга сола бошлади, кучлар бир-бири билан эркин рақобатлашиш имкониятига эга бўлди ва шу доирада сезиларли моддий ва маданий ютуқларга эришилди;

3) эски қандайдир “имтиёзли табақалар”, айниқса заминдор бойлар (дворянлар) ўрнига ҳокимиятни янги ҳукмрон табақа эгаллади, жамиятни ташкил этиш ва саноатга таяниш эса унинг ўзига хос хусусиятига айланди;

4) жамоатчилик фикрининг устунлиги қарор топди, у эркин ахборот тарқатиш, оммавий мунозаралар, танқид ёрдамида ижтимоий тартибнинг ўзгаришига, айниқса ички ҳукмрон қатлам фаоллигининг ўсишига тобора кучлироқ таъсир кўрсата бошлади [4].

Хуллас, фаол ижтимоий ўзгаришлар жараёнида жамият ва давлатнинг мақоми, шунингдек, мазкур ўзгаришларга унинг муносабати тўғрисидаги масала, хусусан, юқорида зикр этилган ривожланиш шаклининг бош муаммосига айланди. Кучли давлат анъаналари Германияда айниқса фаол ишлаб чиқилган ҳуқуқий давлат концепциясида ўз аксини топган давлат ва фуқаролик жамияти муносабатларининг алоҳида шаклини юзага келтирди [5].

Гегель интеллектига мансуб жамият ва давлат назарияси Француз инқилоби тажрибасини умумлаштирудики, айни вақтда у Германияни модернизация қилиш эҳтиёжларига ҳам мос келди. Бу ижтимоий-маънавий заруратни чукур англаған буюк немис файласуфи уни рӯёбга чиқариш йўлларини излади. Ва мамлакатни модернизация қилиш учун уни кучли давлат доирасида бирлаштириш зарур, деган қатъий холосага келди.

Адолат юзасидан таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамияти муаммосини илк бор Эммануэл Кант ўзининг “Ахлоқ метафизикаси” китобида кун тартибига қўйган эди [6]. Бироқ немис классик фалсафасининг асосчиси Гегелдан фарқли ўлароқ жамият ва ҳокимиятни бир-бирига қарама-қарши қўймаган, ҳокимиятга қўпроқ бирлаштирувчи куч сифатида ёндашган. Қизиғи шундаки, дунёдаги айrim конфликт ҳолатлар бугунги кун учун айнан Кантнинг фикри муҳимлигидан дарак беради.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти, унинг ривожланган шакли ҳозирги дунёнинг ижтимоий табақаланиши ва институционаллашувининг ривожланган шакли таъсирида юзага келган ҳодисасидир. Ушбу ёндашувга кўра, фуқаролик жамияти шахсий манфаатлар, индивидуализм майдони сифатида кўзга ташланади.

Унинг асослари аста-секин даврлар алмашинувида шаклланган. Шундай экан, айrim тадқиқотчиларнинг Германияда бу жараён XVIII аср охирида, аниқроғи, ижтимоий қонунчиликнинг асосий кодекси – 1791-1794 йилларда ишлаб чиқилган “Пруссское земство” тузуғи қабул қилинган вақтда бошланган, деб ҳисоблашида маълум асос мавжуд [7].

Бутун Европада бўлганидек, Германияда ҳам фуқаролик жамиятини ташкил этиш, яъни институционаллаштириш ҳаракати XIX асрнинг 40-йилларида устувор иқтисодиёт ва маданий ҳаёт каби жабҳаларда намоён бўлди. Франциядан фарқли ўлароқ, масалан, Германияда ижтимоий эмансипация ва фуқаролик жамиятини аста-секин шакллантириш жараёни инқилоб натижасида эмас, балки монархия жамиятнинг либерал унсурлари кўмагида ўтказган ислоҳотлар натижасида юз берди. Ўша тарихий асноларда ижтимоий ўзгаришлар жараёнига давлат фаол аралashiши зарурлигини англаб етган Германия сиёсатчилари қаршисида умуман ўзи фуқаролик жамиятини юқоридан туриб, давлат сиёсати ёрдамида вужудга келтириш мумкинми? Агар мумкин бўлса, бундай аралashiш қаршисида жамият ва шахс учун ҳуқуқий кафолатларнинг сақланишига қандай эришиш мумкин, деган саволлар пайдо бўлган эди. Давлатнинг табиати хусусидаги қизғин мунозаралар натижаси ўлароқ конституциявий монархия ёки парламент республикаси шаклида ҳуқуқий давлат барпо этишнинг қатор моделлари пайдо бўлди.

Жумладан, забардаст сиёсат арбоби О.Бисмарк саъй-ҳаракати туфайли 1871 йилда мамлакатни бирлаштириш якунланди ва Германия империяси ташкил топгани эълон қилинди. Бир муддат ўтиб 1918 йилги ноябрь инқилоби натижасида монархия ағдарилиб, унга 1919-1933 йилларда Германияда Веймар республикаси меросхўрлик қилди. 1933-1945 йилларда эса нацизм диктатураси ҳукм сурди. 1949 йилда Германия худудида икки давлат – ГФР ва ГДР ташкил топди. 1990 йил бу икки давлатнинг бирлашуви юз берди ва парламентар Германия Федератив Республикаси пайдо бўлди.

Россиялик олим Ю.А.Красин Россиядаги замонавий сиёсий тизим, сиёсий институтлар ҳақида сўз юритар экан, “демократиянинг ҳал қилувчи мезони сиёсий институтларни қуриш эмас, балки шунга мос миллий урфодатларни қабул қилишга тайёрми ёки йўқлигини тафтиш қилиб, маданиятни сингдириш орқали қўллаш ва манфаатларни ифодалаш асносида жамиятнинг мустаҳкамлашувидир” [8], – дейди. Тан олиш керакки, ушбу давлатдаги замонавий сиёсий тизимнинг сиёсий институтлар мажмуаси сифатида қўриб чиқилиши XX аср охири – XXI аср бошларида замонавий демократия андозаларига мос равишда ўтказилган. Натижада одамлар онгида ҳаққоний давлат тизимига, назорат ҳамда замонавий сиёсий тажриба орқали ҳокимиятнинг шахсийлашуви ва айбсиз эканлигига кўр-кўронча ишонч шаклланиб борди.

Тажриба шуни тасдиқлайдики, давлат билан фуқаролик жамияти институтлари орасидаги институционаллашув механизмининг шаклланиши, амалий жиҳатдан фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш жаҳонда мавжуд ижтимоий-сиёсий ҳамда бошқарув доирасида амалга ошади.

У сиёсий дискурснинг ўзига хос хусусияти, табиати тарзида намоён бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу муаммо бизнинг мамлакатимизда, хусусан, сиёсатшунослик доирасида ҳали етарлича ўрганилмаган ва уни бугунги кун нуқтаи назаридан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳокимият билан фуқаролар ўртасидаги мулоқот муаммосига XX аср мутафаккирлари М.Бубер, М.Бахтин, М.Фуко ва бошқалар жиддий аҳамият қаратган. Хусусан, Юрген Хабермас шу холосага келадики, фуқаролик жамияти ижтимоий дискурсга хос кўриниш ҳисобланиб, унда давлат, бизнес ва фуқаролик жамияти орасидаги мулоқот, муносабат кечади. Бу мулоқот шунчаки шахслараро муносабат бўлмасдан, “оддий” субъектлараро инсоний дискурс хусусиятига эга экан [9].

Табиийки, бундай ҳолат якка шахслар орасидаги мулоқот бўлмасдан, институтлар, жамоат ташкилотлари, савдо тузилмалари ва давлат ҳокимияти органлари орасидаги ўзаро фаолиятдир. “Мулоқот”ни бундай тушуниш, билвосита мажозий характерга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Субъектлараро мулоқотнинг ўзига хос кўриниши давлат ва фуқаролик жамиятидаги ижтимоий-сиёсий мулоқотнинг институционаллашуви ҳисобланиб, аслида ошкора сиёсатдан келиб чиқади. Бундай ёндашув социолог В.Якимец фикрларига мос келиб, унинг таъкидлашича, “оммавий сиёсат – давлат ва жамиятнинг ижтимоий аҳамиятга молик қарорларни қабул қилиш, амалга ошириш ва натижаларини баҳолаш тизимида ишлаётган механизмлар мулоқотидир” [10].

Шахслараро сиёсий мулоқот хусусида сўз юритар эканмиз, йўл-йўлакай “дискурс” иборасига ҳам эътибор лозимлигини таъкидлаш ўринли. Жумладан, социолог Э.И.Шейгал институционал социодискурсни кузатиб, унинг институционал даражасида субъект – манзил муносабати, социомаданий вариативлик мавжудлигини таъкидлайди. У ўз ишида сиёсий дискурсга кенг ёндашувдан келиб чиқсан ҳолда, таълимнинг нутқий жанрлар, кўп кесишималар жанрини ташкил этишини таъкидлаган. Айниқса, сиёсий коммункациянинг қатор тадқиқотчилари аксарият ҳолларда бу ҳодисани бир-бири билан тенглаштирадилар ва бундай ёндашув ўз мантиғига эга.

А.Д.Дука умуман: социология ва сиёсатшунослик дискурс иборасининг маъноси керакли даражада мажозийдир; у ижтимоий мулоқотни шахслараро мулоқотдан шаклланган нутқий хабар сингари жамият институтлари ҳамда индивид ўртасидаги муносабатнинг инъикоси деб билади. “Мулоқот ва дискурс антропологик муносабатларда – худди “эгизак ака-укалар каби”дир, деб ёзади Г.И.Бурина”.

Сиёсий дискурс – бу аниқ қоидаларга мос қарашлардан иборат бўлиб, асосланган позицияларни ўзаро алмашишдир ва шу тарзда ижтимоий аҳамиятли муаммоларни ҳал қилишга таъсир қиласиди. Жамиятнинг тўлақонли институционаллашиши учун иложи борича ҳамма фуқаролар мухокамалар жараёнига жалб этилган бўлиши керак. Зоро, демократия шароитида сиёсий дискурс – бу ошкоравий қарор қабул қилиш методи ҳисобланади.

Бугунги фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишида бош омиллардан бири бўлган мулоқот бошқарув технологияси нафақат давлатнинг инструментал (куроли), балки жамият ва давлатга таъсир этиш куроли, шунинг баробарида таъсир қуролидан ўзаро ҳаракат қуролига айланди” [11]. Табиийки, давлат ва жамиятнинг салоҳияти институционал мулоқотнинг фуқаролардан ахборот олишда ва унинг институционал шаклларида намоён бўлади. Бунга мисол сифатида ижтимоий сўровномалар, оммавий дебатлар, баҳс-мунозаралар, меъёрлар, ижтимоий ҳамкорлик, ҳокимият устидан жамоатчилик назорати, инсон хуқуqlарини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни, ижтимоий экспертиза кабиларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Хуроса қилиб айтганда, фуқаролар ва давлат ўртасида ўзаро институционал мулоқот субъектлараро муносабатда ўзаро ҳамкорлик (келишув) мақсадини амалга оширишда яққол намоён бўлади. Ўзаро тушуниш, умумий манфаатларни аниқлаш ҳамда ижтимоий устуворликка молик аҳдномаларни аниқлаш жараёнида ноаниқ ҳолатларни ўзаро мувофиқлик ва келишув асосида ҳал қилиш усууллари, шакл ва воситалари, маълум бир мураккаб вазиятни тўғрилаш, сиёсий ва бошқарув қарорлари ва чора-тадбирларни ўзаро қўл келадиган даражада ишлаб чиқиш инструменти ҳисобланади.

Адабиётлар.

[1]. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат / Муаллифлар: М.Абдуллаев, Н.Абдуллаев, Ф.Абдуллаев, Г.Абдураззоқова ва бошқалар / Р.Рўзиев ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашр. – Тошкент: “Шарқ”. 2006. – Б. 315.

- [2]. Бешлер Ж. Демократия. Аналитический очерк. – М., 1994. – С. 106.
- [3]. Thorpe, Federal and State Constitutions, VII, 3812.
- [4]. Huber E.R. Deutsche Verfassungsgeschichte seit 1789. – Stuttgart, 1960. Bd .2. – P. 310.

[5]. Burgerliche Cesellschaft //Ceschichtliche Grundbegrifte, Historisches lexicon fur politisch - sozialen sprache in Deutschland – Stuttgart, 2000. Bd. 2. – P. 719-800.

[6]. Psychopedis K. Geschichte und Methode Begrundungsty pen und Tneipretationskri – terien der cesellschafts-theoric (Kant Hegel. Marx und Weber). – Frankfurt am Main, 1994.

[7]. Allgemeines Landrecht fur die Preussischen staaten. – Berlin, 1794. Bol. 1-3.

[8]. Красин Ю. А., Галкин А. А. Россия на перепутье. Авторитаризм или демократия: варианты развития // М., 1998. – С. 48.

[9]. Рязанова С. О роли архетипических образов в мифологии нацизма // Вестник Моск. ун-та. Серия-7. Философия. – 2013. – С. 99.

[10] Якимец В.Н. Состояние гражданского общества и публичной политики в субъектах Российской Федерации // Гражданский форум Ярославской области – 2010. – Ярославль, 2010. – С. 36.

[11]. Марущак Е.М. Социально-политические технологии государственного управления как инструмент взаимодействия государства и общества // Вестник Поволжской академии государственной службы. – 2009. – № 3 (20). – С. 22.